

ХІХ АСР ОХИРИ ХХ АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД АҲОЛИСИНИНГ ИЖТИМОЙ ТАРКИБИ ФОТО ЛАВҲАЛАРДА АКС ЕТТИРОЛИШИ

М.Ҳакимов (СамДУ магистрани)

Ушбу мақолада Самарқанд аҳолисининг сони турли йилларда турлича бўлганлиги. Самарқанд аҳолисининг сони ўсиб боргани сайин, бу ерда яшовчи миллат ва элатлар, уларнинг ижтимоий таркиби ва фаолияти турларини билишда ҳамда уша давр руҳини ҳис этишда фото лавҳалардан фойдаланиш муҳим аҳамияти ва ҳозирги кундаги натижалари хусусида маълумотлар ёритилган.

Шундай қилиб, Зарафшон воҳаси билан унинг иқтисодий маданий савдо ва сиёсий маркази бўлган Самарқанд – Россияга қўшиб олингунга қадар Бухоро амирлиги таркибига кирган. У қадим замонлардан Ўрта Осиёнинг энг қазилма бойликларга бой минтақаси ҳисобланган ва уни бекорга олтин водий деб аташмаган.

Самарқанд – Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарларидан бири, Бухоро амирлигининг иккинчи пойтахти ҳисобланган. Филипп Назаров 1813-1814 йилларда бу ерда бўлган. У ўзининг хотираларида Самарқанд ҳақида айрим маълумотлар бериб, жумладан “Қўқон давлатига яқин жойлашган шаҳар бўлган Самарқанд, ҳудуднинг маъно- моҳиятини касб етувчи ва энг диққатга сазовор шаҳридир¹” дейди.

Самарқанд шаҳри амирликнинг асосий шаҳарларидан бири ҳисобланган. Бундай ҳолат “биринчидан, тарихий ва диний сабабга кўра, иккинчидан, аҳоли кўп яшайдиган ҳудуд ва давлатнинг бой округи бўлганлиги учундир²”.

Самарқанд ва унинг Россия таркибига қўшиб олиниши арафасида нафақат Бухоро хонлигининг ҳаттоки Ўрта Осиёнинг муҳим ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ маркази ҳисобланган. Агар 1841 йилда Самарқандда фақат иккита тош карвонсарой ва учта ҳаммом³, Россия таркибига кираётган вақтда еса 35 та карвонсарой⁴, Каттакўрғонда 5 та ҳинд-омборхоналари ишлаб турган⁵.

ХІХ асрнинг биринчи ярмида Бухоро амирлиги билан Россиянинг савдо муносабатлари кучайди. Айниқса бу ҳол шаҳар аҳолиси ҳиссасига тўғри келади. Бу даврда Самарқанд аҳолисининг сони ҳам тўтовсиз кўпайиб борди.

Самарқанд шаҳри аҳолисининг сони ҳақидаги фикрлар турли туман ва қарама-қарши бўлган. Масалан, Меендорфнинг маълумотига кўра 1820 йилда Самарқанд аҳолиси 50 минг, шарқшунос Н. Хаников 1841 йил аҳолиси 25 минггача, 1863 йил А. Вамбери -20 минггача, В.В.Радлов 1868 йил – 10 мингдан

¹ Ф.Назаров Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. СПб. 1891, стр. 44.

² ЎЗРМДА 1-жамғарма, 3-рўйхат, 29-иш, 51-варақ.

³ История Узбекский ССР. Т.ІІ, кн. ІІ, Изд. АН УзССР. Ташкент, 1956, стр. 26.

⁴ ЎЗРМДА 5-жамғарма, 1-рўйхат, 12-иш, 124-варақ.

⁵ ЎЗРМДА 1-жамғарма, 3-рўйхат, 11-иш, 105-варақ.

ортиқ, А.п.Федченко 1869 йил 30 минггача ва бошқалар^{1*}. Шундай қилиб, Самарқанд аҳолисининг сони ҳақидаги рақамлар тофоввутини бошқачароқ усулда аниқлашга тўғри келди. Адабиётлар ва архив маълумотларини солиштириб кўрилганда ҳар қалай Самарқанд аҳолиси Россия кўшиб олингунга қадар 30 минг кишидан ошмаган². 1868 йили Зарафшон округи бўйлаб санаш ўтказилганда аҳоли сони 315 минг 533 кишини, Самарқанд бўлимининг тоғли туманларида рўйхатга олинган 179 минг 522 киши бундан мустасно³.

Бундан кўриниб турибдики Зарафшон округи Россиянинг энг аҳолиси кўп ҳудудини ҳам ортда қолдирган, ҳаттоки, Европанинг энг сераҳоли ҳудудлари билан ҳам тенглаша олган⁴.

Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман Зарафшон дарёсининг суғориш интенсивлиги ва аҳолисининг зичлигини яхши пайқаган. Ва ҳаттоки аҳолисининг зичлигини Ломбардияга қиёслаган.⁵

Самарқанд вилояти XIX аср орталаридан XX асрнинг бошларидаги аҳоли динамикасини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.⁶

Жадвал № 1

<i>Йиллар</i>	<i>Вилоятнинг умумий аҳолиси</i>	<i>Шундан Самарқанд шаҳри аҳолиси</i>
1868	315,533	10-25 минг
1870	200,000	30 минг
1872	163,185	35-40 минг
1883	241,595	26025
1885	437,420	44125
1887	661,160	41777
1888	712,420	41777
1897	860,021	55128
1902	966,085	58194
1907	879,745	69264
1908	908,544	67900
1911	-	87560
1914	-	97530

Шундай қилиб, Самарқанд аҳолисининг сони турли йилларда турлича

¹ * Мейендорф. Статистический взгляд на Бухарию, “Северный архив”, 1826, октябрь, № 19, 20; Н. Ханыков. Описание Бухарского ханства, СПб, 1843, стр. 32; А. Вамбери, Путешествие по Средней Азии в 1863 году, СПб, 1865; Известия из Туркестанского военного округа— “Военный сборник”, 1870, № 12; стр. 389—390; Л. Костенко. Описание путешествия русской миссии в Бухару в 1870 году, “Военный сборник”, 1870, № 12; В. В. Радлов. Средняя Зеравшанская долина, ЗРГО, т. VI, I СПб, 1880, стр. 39; А. П. Федченко. Путешествие в Туркестане, М., 1950, стр. 50; “Виденский вестни” за 1866 г., № 84 и 85; Издание Саратовского коммерческого клуба за 11 сентября 1868 г. № 41; Учебник “История СССР”, т. II, под ред. М. В. Нечкиной, М., 1954, стр. 533, Саидкулов Т.С. Самарканд во второй половине XIX – начале XX веков. Самарканд: 1970, стр. 9.

² ЎЗРМДА 5-жамғарма, 1-рўйхат, 12-иш, 122-варақ.

³ Ўша жойда, 55-варақ.

⁴ Саидкулов Т.С. Самарканд во второй половине XIX – начале XX веков. Самарканд: 1970, стр. 9.

⁵ Ўша жойда.

⁶ Ўша асар. 106 бет.

бўлганлигини кўришимиз мумкин. Самарқанд аҳолисининг сони ўсиб боргани сайин, бу ерда яшовчи миллат ва элатлар, уларнинг ижтимоий таркиби ва фаолияти турлари ҳам кенгайиб кўпайиб борди.

Зарафшон воҳасида жойлашган Самарқанд беклиги аҳолиси, асосан, деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик ва чорвачилик билан шуғулланган. Самарқанд аҳолисининг асосини ўзбеклар, тожиклар ташкил этган. Шунингдек, бу ерда бошқа миллат вакиллари –қозоқ, қирғиз, туркман, эрони, уйғур, лўли, хиндлар ва бошқалар ҳам яшаган.

Бухоро хонлигига ташриф буюрган рус олими Н.В. Ханыков, бу хонликда ўзбеклар 28 та уруғдан иборат бўлганлигини қайд этади¹. Манбаларга кўра, хусусан, Самарқанд беклигида² ўзбек уруғларининг қанғли, найман, қўнғирот, қипчоқ, хитой, саёт, қиёт, чиғатой, дурмон, ушун, олчин, минг, қирқ, юз, қорақалпоқ, сарой, қирғиз, турк, манғит, бахрин қабилари истиқомат қилган.

Аҳоли яшаш тарзига кўра ўтроқ ва кўчманчиларга бўлинган. Аҳолининг асосий машғулоти деҳқончилик, чорвачилик, Ҳунармандчиликнинг турли тармоқлари ва савдо-сотик ҳисобланган. Абу Тохир Хужанинг «Самария» асарида ёзилишича Самарқанд вилоятида деҳқончиликдан буғдой, арпа, жўхори, тарик, шол, мош, зиғир, кунжут, нўхат экилиб, шунингдек, полиз ва боғ маҳсулотлари ҳам етиштирилган. Аммо пахтани бу вилоятда оз экишган. Зиғир ва тамаки вилоятда кўп экилган³.

Манғитлар сулоласи даврида ҳам олдинги даврларга хос ижтимоий табақалар сақланиб қолган. Аҳоли ўз ижтимоий таркибига кўра турли хил бўлган. Яъни аҳоли ҳуқуқи, мажбурияти ва имтиёзлари билан (одат ёки қонун буйича ҳамда наслий) жамият ижтимоий тизимидаги мавқеи, ҳолатига кўра ижтимоий (олий, ўрта ва фуқаро) табақаларга бўлинган.

Самарқанд вилояти ҳамда бутун Бухоро амирлигида, асосан, қуйидаги ижтимоий табақалар мавжуд эди. Одатдагидек, олий табақа ҳисобланган амир ва сарой аёнлари (вазиру вазаро) ижтимоий жиҳатдан энг катта имтиёзларга эга бўлган табақа эди. Амир мутлоқ қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятга эга бўлиб, унга чексиз ҳуқуқ берилганди. Амир ғазнаси давлат газнасидан алоҳида бўлмаган. Солиқлар тарзида тушган тўловлар, йирик савдолар ва бошқа тўловлардан йигилган йирик бойликдан амир чексиз ва назоратсиз фойдаланган⁴.

Шунингдек, давлат бошқарувида нуфузли лавозимларни эгаллаган табақалар, асосан, уруғ бошлиқларидан иборат бўлган. Уларга, яъни бир уруғга мансуб, доимий хизмат натижасида шуҳрат қозонган, амирга жонбозлик кўрсатган кишилар кирган. А.А.Семёновнинг фикрича, давлат лавозимида етакчи ўринларни ўзбеклар эгаллаган. Бошқа ерда, амирликдаги амалдорларнинг асосий қисми зиёлилар орасидан шаклланган, деб қайд этади⁵.

¹ Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. –СПб., -С.53.

² Самаранд беклигининг Офаринкент, Шовдор, Сўғуд, Анхор, Шероз, каби туманлари.

³ Абу Тохирхўжа. Самария. –Тошкент: Камалак, 1991. – 18-бет.

⁴ Нормуродова Г.Б. XIX аср охири –XX аср бошларида Самарқанд вилояти аҳолисининг итимоий стратификацияси. Т.: Yangi nashr, 2013. 32-бет.

этади¹.

Ўзларини оқсуяклар, деб бошқа барча аҳолидан устун кўядиган, Муҳаммад пайғамбар авлоди ҳисобланган саййидлар ҳамда хўжалар бир қатор имтиёзларга эга бўлган табақа бўлиб, улар бошқа ижтимоий табақалардан ажралиб туришган. Хусусан, ҳар қандай бой-бадавлат табақа вакили бу «оқсуяк табақадан ўрин ололмасди, бу олий насаб фақат авлоддан-авлодга ўтарди»².

Жамиятда ҳукмрон табақа вакиллари вазифа ва мансабига кўра икки гуруҳга: дунёвий (умаро) ҳамда диний (уламо) амалдорларга бўлинган. Хусусан, юкорида тилга олинган умароларга давлат ва ҳарбий хизматдаги мансабдорлар, беклар, ҳарбийлар бошқарувидаги катта ва кичик амалдорлар кирган бўлиб, улар, ўз навбатида, иккига: фуқаровий ва ҳарбий амалдорларга бўлинган. Фуқаровий амалдорларга мирзабоши, мирохўр, тўқ- сабо, додхоҳ, парвоначи, девонбеги, кушбеги кабилар кирган. Ҳарбий амалдорларга эса мирзабоши, тўпчибоши, ясовул, ўнбоши, юзбоши, саркарда ва лашкарбошиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Амирликда сарой унвон ва мансаб эгаларининг купчилиги бир пайтнинг узида ҳарбий унвон ва мансаб эгаси ҳам ҳисобланган. Ҳарбий унвон ва мансаблар билан маъмурий бошқарув мансаблари, кўпгина ҳолларда қўшилиб кетган. Манбалар таҳлили, амирлик бошқарув тизимида у ёки бу хилдаги амалдорлар мансаби ўз навбатида ҳарбий унвон даражасига эга бўлган ва ҳарбийлар (сипох) гуруҳини ташкил этганлигини курсатади. «Мажмаъ-ал-арком» маълумотида кўра, амирликдаги бошқарув тизимидаги лавозим ва мансаблар тўғрисида тўлиқ маълумотлар бериб ўтиб, жами 130 тадан зиёд унвон, лавозимлар бўлганлиги ёзилган³.

Самарқанд вилояти (беклик) ни бошқарган бек ўзига беркитилган ҳудуднинг мутлоқ ҳокими бўлган. Амир унга ўлим жазосидан ташқари, барча ҳуқуқни бериб қўйган. Бек ҳар ҳафталик ҳисоботни амирга жўнатиб турган. У нафақат фуқаролик ҳокимиятига, шунингдек, ҳарбий ҳокимиятга ҳам эга бўлиб, солиқларни йиғиш, уруш вақтида қўшин тўплаш вазифаларини ҳам бажарган. Зарафшон водийсида бўлган В.Радлов ўз хоти- раларида: вилоятларни бошқарган беклар ўзларини мустақил ҳукмдор санаб, ҳатто амир сиёсатига қарши ўзаро урушлар олиб борганликларини қайд этади⁴. Шунинг учун амир бу вазифага эҳтиёткорлик билан одам танлаб, уни узоқ вақт бу вазифада қолдирмаган. Амир бу лавозимга яқин кишиларидан тайинлаб, маълум муддат ўтиши билан уни яна саройга чақириб олган.

Манбаларда, бек маъмуриятида ҳам ҳарбийлар юкори мавкеига эга бўлиб,

¹ Семенов А.А. Очерк устройство центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени // Труды АН ТаджССР. - 1954. Т. XXV. Вып. II, - С. 14.

² Сагдуллаев А ва б. Узбекистон тарихи: давлат ва жамият тараккиёти. - Тошкент, 2000, I қисм. -200-бет.

³ Мирза Бади-диван. Маджма ал-аркам / Перевод прим. и приложение А.Б.Вильдановой –М.: Наука, 1981.-С. 92- 100.

⁴ Радлов В.В. Из Сибири. –М.: Наука, 1989. –С. 572.

улар асосан: ясовулбоши, юзбоши, мирохўр, элликбоши ва ўнбошилардан иборат бўлганлиги таъкидланади. Бекликда аскарлар сони беклик худуди билан боғлиқ бўлган. Улар ойига 20 танга маош оладиган бир неча юз отликлардан иборат бўлган¹. Беклик маъмуриятида кўзга кўринган мансаблардан бири ясовулбоши бўлган. Бундай киши бекнинг яқин ва ишонган одами ҳисобланиб, бу лавозимдаги шахс қисман мирзабошилик, ҳарбий ишларни, шунингдек, турли арз, илтимосларни бекка етказган. Бек хузурида яна бир муҳим мансабдор девонбеги бўлган. У молиявий ва ҳўжалик ишлари билан бирга, мукофотлар беришни, солиқларнинг тушумини назорат қилган ва қишлоқ ҳўжалик ишларини юритган. Шунингдек, бек қўлида яна бир қанча амалдорлар, мирзалар, сарой хизмат- корлари бўлган. Амалдорлар аҳолидан олинадиган йиғим-теримлардан тапщари, уларга берилган танҳо ҳисобига ҳам яшаганлар².

Беклик, ўз навбатида, туманларга бўлиниб, уларни оқсоқоллар бошқарган. Айниқса, бек қароргоҳи оқсоқоли эътиборли киши бўлиб, бир вақтнинг ўзида у амин унвонига ҳам эга бўлган. Оқсоқоллар ўз туманларида бек буйруғи ижросини таъминлаб борган. Уларнинг энг асосий вазифаси бек учун солиқ йиғишдан иборат бўлган. Шунингдек, ҳар бир қишлоқда ҳам оқсоқоллар бўлган. Бозор ва ариқлар назорати ҳам оқсоқолларга тайинланган. Бу мансабдорлар ҳам маҳаллий йиғим-терим ҳисобига кун кечирган.

Ҳукмрон табақанинг диний тоифадаги вакиллари уламолар кирган. Бу қатлам кўп сонли ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда кучли таъсир ва юкори имтиёзларга эга бўлган кишилардан иборат бўлган. Бу ижтимоий табақа вакиллари орасида алоҳида ижтимоий мавқеи билан саййидлар ажралиб турган. Булар Муҳаммад пайгамбарнинг кизи Фотима ва куёви Алининг уғиллари Ҳасан ва Хусан авлодлари бўлиб, саййидлар (яъни пайгамбарзодалар) деб аталган. Уларни «саййидлар», «туралар», деб аташ одат тусига кирган. Ислом динида саййидлардан кейин турадиган «оқсуяк» табақа - ҳужалар ҳисобланган. Бу ижтимоий гуруҳларга давлат томонидан кенг имтиёзлар берилиб, таъминлаб турилган. Булардан ташкари, бу гуруҳ вакилларининг купчилигини сулолавий уламолар, шариат билимдонлари, олимлар, ислом дини ҳуқуқи ва қонуни тарғиботчилари, мударрислар ва бошқа диний унвонларга эга бўлганлар ташкил этган.

Манбаларда қайд этилишича, ҳўжалар ўзлари жипслашган ва алоҳидаликка интилган гуруҳ бўлиб, ўз аёлларини маҳаллий халққа турмушга бермаган, лекин ўзлари маҳаллий кизларни никоҳига олганлар. Ҳужалар баъзида бутун бир қишлоқда ташкил топган. Уламо, амалдор ва тадбиркор вакиллар орасида ҳам ҳўжаларни учратиш мумкин бўлган³.

Халқ орасида эшонлар ҳам катта мавқега эга бўлганлар. Улар диний-

¹ Ўша жойда.

² Кисляков Н.А. Патриархально-феодалные отношения среди оседлого населения Бухарского ханства в конце XIX начале XX века. - М., 1962. - С. 53.

³ Семенов А.А. Очерк устройство центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени // Труды АН ТаджССР. – Сталинабад, 1954. Т. XXV. Вып. II. – С. 14.

фалсафий таълимот тарғиботчилари ҳисобланган. Эшонлар баъзан ёш бўлсаларда, «пир» деб ҳам аталган ва ўзларининг кўплаб муридлари, ихлосмандларини суфийлик йўлига ўргатувчи, беморларни рухий даволовчи, келажакни олдиндан башорат қилувчи авлиё сифатида ҳам қаралган¹. Суфийлик таълимоти вакилларида яна бир гуруҳи шайхлар эди. Уларнинг ҳам жамиятда ижтимоий-иқтисодий мавқеи анча баланд бўлган.

Шунингдек, манбаларда, амирликда энг юқори диний мансабларга шайхул-ислом, сўнг қозикалон, раис-уш-шуарот кабилар кирганлиги ёзилган². Бу мансаб вакиллари олий табақага мансуб ҳисобланган.

Қишлоқ ва шаҳарларда аҳолини ислом ва шариат қонун-қоидалари асосида суд қилиш қози зиммасида бўлган. Қозилик сўзи ўзбек давлатчилигида ислом давридан бошлаб ҳукм суриб келган. Қози фуқаролик ҳамда жиноий ишларни кўриб чиққан. Жумладан, ижтимоий адолат билан боғлиқ масалалар, йўқолган вақф ҳужжатларини тиклаш, етим ва бевалар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва хоказолар билан шуғулланган. Қози ҳузурида муфти, аъламлар ҳам бўлиб, улар ҳуқуқ (фикҳ), ҳадисларни мукамал билувчи уламо ҳисобланган. Хусусан, муфтилар шариатга асосланиб фатво ва ривоятларни тузиб, қозига хавола этганлар. Қози бунга асосланиб қарор чиқарган. Муфтилар томонидан тузилган фатволарга аъламлар муҳр босганлар. Қозикалон ҳам, бошқа қозилар ҳам амир томонидан тайинланган. Оддий қозилар қозикалонга бўйсунган.

Суд ишларида оддийлик ҳукм сурган. Қозига оғзаки ва ёзма равишда ариза тушгандан сўнг айбдорлар қози ҳузурига чақирилган. Икки кишининг гувоҳлиги айбдорни аниқлашда етарли эди. Айбдорларнинг айбига қараб жарима солиш, тан жазоси бериш, зиндонга ташлаш, сазойи қилишдан тортиб ўлим жазосигача бўлган жазо чоралари қўлланилган. Одатда, ҳар бир айбдордан ёки унинг оила аъзоларидан белгиланган жазодан ташқари каттагина жарима ҳам ундириб олинган³.

Лекин суд ишлари ҳамма вақт ҳам адолат юзасидан олиб борилмаган. Баъзи ҳолларда оддий фуқаронинг қозини рози қилишга маблағи йўқлиги боис асосий айбдор бўлиб қолаверган. Бой зодагон, амалдорлар қози билан бир ижтимоий поғонада турганлиги боис уларнинг манфаатлари ҳам бир нуқтада туташган. Шу муносабат билан Амир Шох Мурод даврида (1785-1800) қозилик тизимида олиб борилган ислохотларнинг аҳамияти шунда эдики, суд жараёнида айбланувчи ҳам, жабрланувчи ҳам иштирок этиши лозим бўлган. Бирор-бир томон эгаллаб турган юқори лавозими орқасида жавобгарлик, гувоҳликдан бош торта олмаган. Яъни барча аҳоли қатламлари қаттиқ диний жавобгарликка тортилган⁴.

Муҳим диний лавозимлардан яна бири раис ҳисобланган. Ҳар бир шаҳар, қишлоқда маҳаллий раис бўлган. Раиснинг вазифаси, аҳолининг ахлоқи ва

¹ Ростиславов М. Несколько слов об ишанах и о значении их деятельности // Туркестанские ведомости. 1877. № 14.

² Тахмина Вохидова. Садри Зиё ва унинг илмий мероси // Сино. 2007, 25 март.

³ Хон давридаги қозилар ҳусусида // Туркистон вилоятининг газети. 1905. № 36.

⁴ Некоторых событиях в Бухаре, Хоканде и Кашгаре. Записки Мирзы Шамса Бухари. Перевод В.В.Григорьевым. -Казан, 1861. —С. 46.

диний амалларни бажаришини, бозорларда савдо-сотик борасида тартибни назорат қилишдан иборат бўлган. Манбаларда қайд этилишича, раис кунга икки марта, эрталаб ва кечқурун шаҳар ва бозорни айланиб юриб, хоҳлаган кишини тўхтатиб имтихон олган, яъни ундан фарзи-айнни^{1*} ёддан айтиб беришни сўраган. Агар жавоб берувчи билмаса ёки қониқарли жавоб беролмаса, раис ўз мулозимларига уни калтаклашни буюрган, лекин 39 даррадан кўп урилмаган². Яна бир манбада келтирилишича, раис бозорда тарозидан уриб қолган сотувчининг айбини фoш қилиб, уни калтаклашни буюрган (дарралар купинча тоқ сонда урилган)³ Агар савдогар дод-вой қилса уни кайтадан уриш буюрилган. Савалаш тўхтатилгач, савдогар кўз ёши билан, раисга “тўғри сабоқ учун” миннатдорлик билдирган.

Раис ўз вазифасини кундузи бажарган, кечқурунги тартибга миршаб жавоб берган. Энг катта раис, одатда эшон-раис ёки раис-уш-шариат деб аталган. Катта раис амирлик пойтахтида фаолият олиб борган. Барча маҳаллий раислар унга буйсунган.

Ўрта асрлар жамиятидаги дин руҳонийлари ижтимоий аҳволи таҳлил қилинар экан, уларнинг ижтимоий таркиби бир ҳил бўлмаганлигининг гувоҳи бўламиз. Яъни уларнинг ҳаммаси ҳам бир ҳил макега, ҳолатга эга бўлмаган. Ислom амалларини бажарувчи руҳонийлар^{4*} қатлами орасида на зодагонлар ва на қуйи бўғинни ташкил этган гуруҳ мавжуд бўлиб, улар маҳалла масжидларида имомлик, хатиблик ёки азон айтиб, тирикчилик қилишга одатланган эди. Уларнинг шароити бойиб кетишига ёки янги ерлар сотиб олишга имкон бермаган.

Ана шундайлар сирасига масжид имоми кирган. Имом шаҳар ёки қишлоқ масжидларида кундалик ҳаётдаги диний тарғибот-ташвиқот ишларини назорат қилган. Қишлоқ имомининг фаолияти фақат диний маросимлар доираси билан чекланмаган. У қишлоқ жамоасининг барча фуқаровий масалаларини бажарган, хусусан, ҳамжамосига маслахатчи, со- ликларни тўплаш, болаларга ўқитувчилик қилиш билан бирга, қишлоқнинг «бош табиби» ҳам бўлиб, турли ҳил касаллик ва кўрқувлардан сакдовчи дорилар, туморларни ҳам ундан топиш мумкин бўлган⁵.

Қуйи диний қатламлардан яна бири дарвешлар, қаландарлар ҳисобланган. Дарвешлар, қаландарлар Халқ эътиборида булмасада, лекин улар кириб борган хонадонда илтифотли кутиб олинган. Бу айниқса аёллар ва қизларнинг

¹ Фарзи-айн –барча мусулмонлар бажариши лозим бўлган диний мажбурият. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. –Тошкент, 2000. Т. 1. -704-бет.

² Семенов А.А. Очерк устройство центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени... — С. 49.

³ Ўша жойда.

⁴ Руҳонийлар I “руҳоний” сузи форсий тилидан олинган бўлиб, руҳий, маънавий, диний, диндор деган маънони англатади. Бу атама кейинчалик дин пешвоси ва диний тарғибот ишларини олиб боровчиларга нисбатан қўлланилган. Тадқиқотда албатта, ҳам “уламо”, ҳам “руҳоний” сўзлари ишлатилган бўлиб, уламо деганда кўпроқ юкори диний табақа вакиллари назарда тутилса. руҳонийлар деганда умумий ислом дини тарғиботчиларига нисбатан қўлланилган.

⁵Сборник материалов по мусульманству. — СПб., 1899. Том. 1. - С. 11-12; Саидбоев Т. Ислам и общества. –М.: Наука, 1978. — С. 84.

назаридан четда қолмаган, гўё улар бирон-бир ўзгариш, воқеа-ходисадан дарак берганлар. Манбаларда кайд этилишича, агар улар эрталаб келса, демак, туя ёки отнинг омон туғилишидан; кун ярмида келса, эр ва хотин жанжалидан; агар кечқурун келса, буйи етган қизга мард, жасур қаллиқ топилишидан дарак берган. Шунинг учун уйга кириб келган дарвешларга аёллар кўпроқ ғамхурлик қилиб, уларга озиқ-овқат, кигиз, гилам, эски кий- им-кечаклар берилган¹. Улар яшайдиган алоҳида жойлар ҳам бўлган. Масалан, Самарқанд шаҳрининг жанубий-шарқий томонида алоҳида дарвешлар гузари (Қаландархона) бўлган². XIX аср ўрталарида Бухоро амирлигига саёхат қилган венгер олими А.Вамбери, Самарқанд яқинидаги Дахбед қишлоғида Махдуми Аъзам қабри яқинида бир тўда дарвешларнинг ўз пирларини устоз, раҳнамо сифатида улуғлаб, қизик бир ўйин ҳаракатига тушган ҳолатини кўрганлигини кайд этади³.

Жамиятнинг диний-маънавий ҳаётида ўзига хос ўрин тутган диний тоифалардан бири маддоҳлар бўлган. Улар ҳам дарвешлар қатори кўча, майдон ва бозорларда турли хил диний-ахлоқий мавзуларни куйлаб юрганлар.

¹ Вамбери А. Очерки Средней Азии. — М.: А.И.Мамонтова, 1868, - С. 6-7.

² Файзиев А. История Самарқанда пер. пол. XIX века. - Самарқанд, 1992. —С. 37.

³ Вамбери А. Очерки Средней Азии... —С. 6-7.